

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

593 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 17 ноябрдаги ПФ–4857-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 16 ноябрдаги ПҚ–2658-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 17 ноябрдаги ПФ–4857-сон Фармонини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ–2658-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзагромашсервис» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2000 йил 9 ноябрдаги 438-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розукулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 28 июнь,
442-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 28 июндаги 442-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компаниясини ташкил қилиш тўғрисида» 1999 йил 30 октябрдаги 486-сон қарориди:

а) 3 ва 4-бандлар ҳамда 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 6-банддаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» лизинг компанияси» сўзлари «Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-банддаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси» сўзлари «Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 70-модда):

а) 1-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 85 фоизи (2013 йилдан бошлаб 85 фоизгача, 2015 йилдан бошлаб эса — 80 фоизгача) «Ўзагролизинг» АЖ томонидан унга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат хариди учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси (кейинги ўринларда «Жамғарма» деб аталади) томонидан қарз асосида бериладиган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади.»;

б) 2-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясига» сўзлари «Ўзагролизинг» АЖга» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясининг» сўзлари «Ўзагролизинг» АЖнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси» сўзлари «Ўзагролизинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 5-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» лизинг компанияси» сўзлари «Ўзагролизинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 6-банднинг учинчи хатбошидаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси» сўзлари «Ўзагролизинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 9-банд ва 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

э) 1-иловада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Ҳар йили 1 октябргача «Ўзагролизинг» АЖ фермер ва ширкат хўжаликлари, машина-трактор парклари ва қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи «Ўзагрокимёхимоя» акциядорлик жамиятининг «Агрокимёхимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятларидан (кейинги ўринларда лизинг олувчилар деб аталади) тушган буюртманомалар асосида қишлоқ хўжалигининг лизинг шартларида етказиб бериладиган замонавий қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган эҳтиёжи прогнозини шакллантиради.

Қишлоқ хўжалигининг техникага бўлган эҳтиёжи прогнозидан келиб чиқиб «Ўзагролизинг» АЖ ва «Агробанк» АТБ ҳар йили 10 октябрдан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат хариди учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармасига (кейинги ўринларда «Жамғарма» деб аталади) замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришнинг, шунингдек лизинг олувчиларнинг тўловларни амалга оширишининг прогноз ҳажмларини ҳисобга олувчи келгуси йил учун (ойларга бўлган ҳолда) Жамғарма маблағларига бўлган эҳтиёж прогнозини тақдим этадилар»;

4-банддаги, 9-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошидаги, 14 ва 18-бандлардаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясига» сўзлари «Ўзагролизинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги, 7-банднинг биринчи хатбошидаги, 8, 11, 13, 15 ва 16-бандлардаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси сўзлари «Ўзагролизинг» АЖга» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Буюртмага мувофиқ «Ўзагролизинг» АЖ ҳар йили 30 октябргача кейинги йилда сотиб олиш мақсадида замонавий қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришга, унинг ҳақини тўлаш ва етказиб бериш муддатларини кўрсатган ҳолда, ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки уларнинг расмий дистрибьютерлари билан олди-сотди шартномалари тузади (шартномавий компания)»;

10-банддаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси» сўзлари «Ўзагролизинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«12. Ишлаб чиқарилган замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси «Ўзагролизинг» АЖ томонидан лизингга расмийлаштирилгандан кейин шартнома шартларига мувофиқ ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки уларнинг расмий дистрибьютерлари томонидан лизинг олувчиларга тўғридан-тўғри етказиб берилади.

«Ўзагролизинг» АЖ Жамғармага замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг олувчиларга етказиб берилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этади. Жамғарма буюртмалар ва тузилган шартномаларга асосан уч банк куни мобайнида «Ўзагролизинг» АЖ ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки уларнинг расмий дистрибьютерлари билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилиши

учун лизингга берилган замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси қиймати-нинг 70 фоизи (2013 йилдан бошлаб — 50 фоизигача, 2014 йилдан бошлаб — 45 фоизигача, 2015 йилдан бошлаб — 40 фоизигача, 2016 йилдан бошлаб — 30 фоизигача) миқдориди пул маблағларини «Ўзагролизинг» АЖ-нинг операция ҳисоб рақамига ўтказди»;

17-банддаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси ва «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясининг» сўзлари «Ўзагролизинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 2-модда) 6-банди учинчи хатбошидаги «Ўзагромашсервис» уюшмаси вилоят бирлашмаларининг» сўзлари «Ўзагросервис» АЖ ҳудудий ташкилотларининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 30-модда) 6-илова II-бўлимининг 11-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 25 февралдаги 87-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 15-модда) 1-иловадаги «Ўзагромашсервис» уюшмаси раиси — Ш.Н. Нишонов» сўзлари «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раиси — Н.С. Отажонов» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 28 июндаги 124-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 6-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Моддий балансларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш тартиби тўғрисидаги низомга илованинг 14-бандидаги «Ўзэлтехсаноат», «Ўзагромашсервис» уюшмалари» сўзлари «Ўзэлтехсаноат» АК, «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигида лизинг хизматларини янада кенгайтириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 18 июндаги 123-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2007 й., 25-26-сон, 262-модда) 2-бандидаги «Ўзсельхозмашлизинг» лизинг компанияси» сўзлари «Ўзагролизинг» АЖ, «Ўзмашлизинг» МЧЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2007 й., 8-сон, 50-модда) 2-илованинг 84-позицияси «Бажариш учун масъуллар» устуниди-

ги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси» сўзлари «Ўзагролизинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Агробанк акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 31 мартдаги 89-сон қарорига иловадаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 14-сон, 158-модда) «8. Ўзагромашсервис» уюшмаси бошқаруви раиси — Б.А. Абдукадиров» сўзлари «8. Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раиси — Н.С. Отажонов» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида» 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарорига 1-илованинг 49-позицияси «Масъуллар» устунидаги «Ўзагрросаноатмашхолдинг» ХК» сўзлари «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2010 йил 5 июндаги 108-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 27-модда) илованинг 17-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушадиган маблағларнинг бир қисмини жамлаш ва улардан фермер хўжаликларининг фойдаланиши тартиби тўғрисида» 2011 йил 4 февралдаги 30-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 2-сон, 7-модда):

а) 3-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзкимёсаноат» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзнефтмахсулот» АК ва «Ўзагрсервис» АЖ, «Агротехсервис» МЧЖ, «Ўзагролизинг» АЖ, «Ўзмашлизинг» МЧЖ раҳбарлари зиммасига — фермер хўжаликларидан тушган ижобий тафовут маблағларининг тармоқ корхоналарининг Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзларини қоплашга мақсадли йўналтирилиши учун масъулият юклансин»;

б) иловада:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Ижобий тафовутнинг 50 фоизи миқдорига маблағларни жамлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш учун хизмат кўрсатувчи банкда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат хариди учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармасига (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади), «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиалларига, «Ўзкимёсаноат» АЖ пахта тозалаш корхоналари ва ташкилотларига, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзнефтмахсулот» АК, «Ўзагрсервис» АЖ, «Агротехсервис» МЧЖ, «Ўзагролизинг» АЖ, «Ўзмашлизинг» МЧЖ (кейинги ўринларда хизмат кўрсатувчи тармоқлар деб аталади), шунингдек фермер хўжаликларига 23226-сон махсус ҳисоб рақами очилади»;

11-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлининг» АЛК, «Ўзмашлининг» ШК» сўзлари «Ўзагролизинг» АЖ», «Ўзмашлининг» МЧЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг, шунингдек инвестиция лойиҳалари юзасидан ташаббус кўрсатиш ва амалга ошириш учун масъул йирик корхоналарнинг таркибий бўлинмаларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 23 мартдаги 84-сон қарорига 1-илованинг 7-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 3-сон, 19-модда) «Ўзагромашсервис» уюшмаси» сўзлари «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2013 йил 1 августдаги 214-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 49-модда):

а) 1-илованинг 8-банди учинчи хатбошидаги «Ўзагромашсервис» уюшмаси» сўзлари «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 8-банди биринчи хатбошидаги «Ўзагромашсервис» уюшмаси» сўзлари «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги тармоғи учун ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотиغا эга бўлган кадрлар тайёрлаш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 11 августдаги 222-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 33-сон, 416-модда) 1-илова 7-позициянинг «Масъул ижрочилар» устундаги «Ўзагросаноатмашхолдинг» ХК» сўзлари «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «2020 йилгача бўлган даврда сифат миллий инфратузилмасини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 19 октябрдаги 298-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 42-сон, 537-модда):

а) 1-иловада:

«Ўзагромашсервис» уюшмаси» сўзлари «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ» қатори билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг I бўлимида:

3-позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

3.	«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ	7	3	2	1	1
----	-----------------------------	---	---	---	---	---

 »;

4-позиция чиқариб ташлансин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ–2454-сон

қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2016 йил 10 февралдаги 33-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 6-сон, 56-модда):

а) 1-иловадан «Ўзқишлоқхўжаликмашлининг» акциядорлик-лизинг компанияси» қатори ва 5-позиция чиқариб ташлансин;

б) 2-иловадаги «Ўзагротехноатмаш-холдинг» ХК» бўлими қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзагротехноатхолдинг» АЖ		
38.	«Ўзагролизинг» АЖ	Тошкент ш.

в) 3-илованинг «Ўзагротехноатмаш-холдинг» ХК» бўлими қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзагротехноатхолдинг» АЖ		
10.	«Ўзагротехноатхолдинг» АЖ	Тошкент ш.
10 ¹ .	«Ўзагротехмаш» АЖ	Тошкент ш.
10 ² .	«Ўзагротехсервис» АЖ	Тошкент ш.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзагротехноатмаш-холдинг» ХКнинг Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 30 июндаги 221-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси, 2016 й., 27-сон, 328-модда):

а) муқаддимадаги «Ўзагротехноатмашхолдинг» ХК» сўзлари «қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг биринчи ва учинчи хатбошилардаги «Ўзагротехноатмаш-холдинг» ХК» сўзлари тегишли равишда «Ўзагротехмаш» АЖ» ва «Ўзагротехноатхолдинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ–2454-сон қарорининг бажарилиши ҳақида» 2016 йил 5 августдаги 252-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 32-сон, 388-модда):

а) 1-илованинг «Ўзқишлоқхўжаликмашлининг» АЛК» бўлими ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-илова қуйидаги тахрирдаги бўлим билан тўлдирилсин:

«Ўзагротехноатхолдинг» АЖ		
62.	«Ўзагролизинг» АЖ	Тошкент ш.

в) 3-иловада:

«Агромашсервис» уюшмаси» бўлими ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

«Ўзагротехноатмашхолдинг» ХК» бўлимидаги «Ўзагротехноатмашхолдинг»

ХК» сўзлари «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-иловадан 1, 32, 34, 36, 41, 57, 58, 61, 84, 100, 104 ва 133 позициялар ҳамда «Бухоро вилояти» ва «Навоий вилояти» қаторлари чиқариб ташлансин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 апрелдаги 180-ф-сон фармойишида:

а) Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропортида алоҳида муҳим йўловчиларга хизмат кўрсатиш зали тўғрисидаги низомга илованинг 2-рўйхати 4.4-бандида:

4.4.4-кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

4.4.5-кичик банддаги «Ўзагротехсаноатхолдинг» холдинг компанияси» сўзлари «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси аэропортларида расмий делегацияларга хизмат кўрсатиш зали тўғрисидаги низомга илованинг 2-рўйхатида:

5.5-банднинг 5.5.4-кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

5.6-бандда:

5.6.4-кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

5.6.5-кичик банддаги «Ўзагротехсаноатхолдинг» холдинг компанияси» сўзлари «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги тахрирдаги 5.6.15., 5.6.16., 5.6.17., 5.6.18. кичик бандлар қўшилсин:

«5.6.15. «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

5.6.16. «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раисининг ўринбосари — «Ўзагротехмаш» АЖ бош директори

5.6.17. «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раисининг ўринбосари — «Ўзагролизинг» АЖ бош директори

5.6.18. «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раисининг ўринбосари — «Ўзагротехсервис» АЖ бош директори».